



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 3 июль, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (12.691)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • MUSTAQILLIK
23
O'ZBEKISTON

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



**Истиқлол бизга аввало
инсон сифатида ўз
қадримизни англаш
имконини берди.
Ватанимиз Мустақилликка
эришган дастлабки
йилларда Президентимиз
Ислом Каримовнинг
«Мустақилликнинг олий
мақсади – ўзбек халқининг
иззатини жойига қўйиш»
экани борасидаги таъкиди
ҳаётимизда ўз аксини
топди.**



Ўтган йилларда мамлакатимизда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида тарихий қадамлар ташланди. «Ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон учун!» тамойили жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланди.

Чорак аср муқаддам мамлакатимизда пахта яккаҳокимлигининг авж олиши оқибатида иқтисодиёт бутунлай издан чиққан, ишсизлик, аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси пасайган, қашшоқлик, оналар ва болалар ўлими кучайган, экологик вазият ғоят зўриқётган, энг ёмони, ушбу муаммолар очик-ойдин кўриниб турса-да, ҳаётимиз, тақдиримиз, келажагимизга бефарқ муносабат ҳукм сураётган давр эди.

Ўша пайтларда уйма-уй юриб, ҳатто ҳомиладор аёллар пахта теришга мажбур қилинарди. Эмизикли фарзандлари бор аёллар қанордан ясалган беланчақларда даланнинг бир чеккасида жойлашган, ҳеч қандай санитария талабларига жавоб бермайдиган «сайёр богчаларга» жойлаштирилиб, эрта тонгдан кун ботгунча чопиқ қилишга, пахта йиғим-терими даврида уни теришга жалб этиларди. Шуниси фожиали эдики, сентябрь ойларида гўзани дефоляция қилиш мақсадида самолёт одамлар далада бўлган бир вақтда уларнинг устидан заҳар сепарди.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ўша даврда кўпчилик қачалоқлар мажруҳ туғилган. Жумладан, мустақилликка қадар Ўзбекистонда йилга 35000 нафар қачалоқнинг боши меъёрдан кичик бўлиб туғилган. Афсуски, бу ўта ачинарли ҳолат ҳақида ҳеч қачон айтилмади ҳам, ёзилмасди ҳам.

Тўқсон ёшни қаршилаган бобом бугун турли соҳаларда муваффақиятларга эришяётган биз, набираларини, осуда ва кўркам уйларда беғубор болалик гаштини сураётган эвараларини кўриб, ўзининг мустабид тузум даврида кўрган-кечирганларига муқояса қилишдан ҳеч чарчамайди:

– Мактабда ўқитувчилик қилар эдим, – дейди бобом. – Болаларга сифатли таълим бериш учун шарт-шароит йўқ эди. Дарсликларнинг деярли барчаси ўқувчиларни мағзи пуч, сохта мафкура руҳида тарбиялашга йўналтирилган эди. Уларда халқимиз тарихини ҳолисона акс эттириш, дунё тан олган буюк бобокалонларимизни ёш авлодга танитиш, умуман, миллатимизнинг миллий ғурурини уйғотишга йўл қўйилмасди. Ачинарлиси, бизга бугунгидек халқ зиёлилари деб эмас, юқори партия ташкилоти томонидан буюрилган ишларни қилишга, ўқувчиларни оммавий жалб этишга жавобгар кишилар сифатида қараларди. Ўқувчилар билан бирга

навбатда юзларча одам. Бизга ўхшаб шаҳарнинг турли ерларидан бола-чақаси билан икки-уч норма гўшт оламан деб келган мардум. Жанжал-тўполон, не-не асаббузарлик билан шомга яқин тарашадек муз қотган мол гўшtidан икки килодан тўрт кило олдик. Онам шўрлик хўрлиги келиб, йиғлаб юборди. «Мана шу таёқдек гўштининг қадри бор-у инсоннинг заррача қадри йўғ-а?» дерди нуқул. Кейинчалик бот-бот бу сўзларнинг мағзини чақишга тўғри келди. Энди шуларни эсласам, бугунги фаровонлик, тўқинчиликнинг нима эканини англаб, шукрона айтаман...

Бу каби дардли фикрларни эшитиб, истиқлол туфайли ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек буюк

ровонлигининг, дастурхонларимиз тўқин-сочинлигининг бош омилига айланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида «Бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани ўзи жойига қўяди» деган енгил-елпи қарашларни ёймоқчи бўлганлар, «шок терапияси» деган усул билан бир сакраб бозор иқтисодиётига ўтишга ундаганлар кўп бўлди. Аммо Президентимиз ўша масъулиятли пайтларда кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган ҳар қандай инқилобий ҳаракатларга қарши турди, тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланган ўз танлаган йўлидан, мустақам позициясидан чекинмади. Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт бундай ёндашувнинг нақадар тўғри бўлганини ва узокни кўзлаб амалга оширилганини яққол тасдиқламакда.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган мажлисидаги маърузасида юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдаги таъсири ва натижалари ҳусусида тўхталар экан, ўтган йилнинг ўзида халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошгани, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайганини таъкидлади.

Бугун оилалар бюджети илгаригидек фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан эмас, касаначилик, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ва ишбилармонлиқнинг бошқа турлари орқали келадиган даромадлар билан ҳам тўлдирилмоқда. Айниқса, ҳозир ҳусусий тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 20-25 фоиздан ошмайди.

(Давоми 2-бетда)

**Кеча «Туркистон» саройида
«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси
Тошкент шаҳар бўлими томонидан
«Ягонасан, муқаддас Ватан!»
Республика кўрик-танловининг шаҳар
босқичи ташкил этилди.**

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР ЮРТИМИЗНИ КУЙЛАЙМИЗ

– Ватанни шарафлайдиган, кадр-қиммат, гурур ва ифтихор каби фазилатлар маҳорат билан ифода этилган энг яхши кўшиқлар ва уларнинг ижрочиларини юксак бадиий мезонлар ва ҳолислик асосида танлаб олиш ва бу асарларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови юксак савияда анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда, – дейди «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими директори Тожимухаммад Ботиров. – Ҳакамлар ҳайъати таркибига ҳам тажрибали бастакорлар, таниқли шоирлар ва эстрада хонандалари жалб этилган. Муסיқанинг оригиналлиги, матннинг таъсирчан бадиий образларга бойлиги, халқчиллиги, мазмундорлиги, Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат ғоялари билан йўғрилиши кўшиқни баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади. Энг асосийси эса танлов давомида юртимизни, мустақиллигини тараннум этадиган янгидан янги сермазмун кўшиқлар юзага келади.

Танловда нафақат ёш истеъдод эгалари балки, халқимизни суйган эл ардоғида бўлган санъаткорлар ҳам ўзларининг Ватан ҳақида янги кўшиқлари билан иштирок этдилар. Шунинг таъкидлаш жоизки, ўтган йилги танловда 28 нафар иштирокчилар қатнашган бўлса, бу гал 38 нафар истеъдод эгалари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Иштирокчиларнинг чиқишлари ўн балли тизим асосида баҳолаб борилди.

Танловнинг шаҳар босқичи давомида она Ватанимизни, муқаддас заминимизни тараннум қилувчи кўплаб янги кўшиқлар янграшининг гувоҳи бўлдик. Бу кўшиқлар кишилар онига миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини, инсонийлик туйғуларини, гўзал фазилатларни сингдиришга хизмат қилади, албатта. Шу билан бирга мазмундор куй ва кўшиқлар инсон тафаккурининг теранлашувида, маънавий дунёсининг бойишида маданий озиқ ҳисобланади. Уларнинг сирли ва сеҳрли навоси дилларга завқ-шавқ ва юртни яшнатишга рағбат бағишлайди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови қатнашчиларининг беш нафари танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иштирокчилар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ИНСОН ҚАДР ТОПДИ

колхоз чорваси учун дағал хашак тўплаш, гўза ва маккажўхори парвариш, кузги ҳосилни теришга мажбур этилгандик. Мактаб биносининг деворидан халқни «социалистик меҳнат»га даъват этувчи шиорлар, турли чақириқлар ўрин олган эди...

Агар оддий бир ўқитувчи сифатида бобом кўрган, гувоҳ бўлган «қисматлар» шунча бўлса, мамлакатимизда минглаб, миллионлаб инсонлар қанчалик руҳий, маънавий азият чекканини тасаввур қилиш қийин эмас.

– Ўтган асрнинг 60-йиллари охирилари эди, – дейди адабиётшунос олим Шўхрат Ризаев. – Бешинчи синфда ўқийман. Онам раҳматли куз кунларининг бирида эртага мактабга бормаслигимни, сахар туриб Тошкентнинг Чилонзор туманига гўштга боришимизни айтди. Ўша кезлар анқонинг уруғи бўлиб турган гўшт Чилонзордаги катта гастрономда сотилар, бир одамга фақат 2 килограмдан берилар экан. Шаҳарнинг бу чеккасидаги Тахтапўл мавзесидан Чилонзорга сахармардонда бордик. Тонг қоронғисида, дўкон очилишига бир неча соат бор ҳали, аммо

бахтага эришганимиздан қувонча тўламик. Мамлакатимизда олиб борилаётган инсон шаъни, кадр-қиммати азиз кўрилган, инсонпарвар сиёсат айнаан бизга, келажагимизга дахлдор эканидан ғурурланамиз.

Фаровонлик — бош мезон

Мустақиллик йилларида ислохотларнинг асосий қисми иқтисодий фаровонликка эришиш, жамият ҳаётини янгилаш ва эркинлаштириш, халқимиз дастурхонининг тўқин-сочинлигини таъминлашга қаратилди. Зеро, шу пайтгача эришган барча ютуқларимизнинг асоси бўлган, истиқлолнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ва унинг истиқболли эканини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаган ислохотларнинг «ўзбек модели»да иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги асосий тамойиллардан биридир.

Истиқлол шарофати билан ҳаётимизга босқичма-босқич, изчиллик билан татбиқ этилган мазкур тамойил бугун турмушимиз фа-



(Давомии. Боши 1-бетда)

Президентимиз маърузасида келтирилган бундай рақам ва кўрсаткичлар барчамизга мамнуният бағишлайди. Зеро, улар замирида инсон тақдири, халқимизнинг эзгу орзуи — буюк давлат барпо этиш, жонли ҳаёт, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, авлодларимизга озод ва обод Ватан қолдириш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшашига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси мужассам. Барча эзгу интилиш ва ҳаракатларимиз, авваламбор, халқимизга муносиб турмуш шaroити яратиб беришга, уни мустақил тараққиёт йўлимиизнинг самараларидан баҳраманд этишга қаратилгандир. Буни юртимиздаги оилаларни узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол тубдан ўзгарганида ҳам кўриш мумкин. Бугун хонадонларимизни музлаткич, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобил телефон ва бошқа замонавий машиний техника воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз.

— Бундан 25 йиллар муқаддам хонадонларнинг аксариятида оила учун энг зарур бўлган музлаткич, бугунгидек юмшоқ мебель, чанглоттичдан асар ҳам йўқ эди, — дейди андижонлик Наби Жалолов. — Тунлари кўни-кўшни, ёшу қари бир хонада тўпланиб, ягона телевизор экранига тикилиб ўтирардик. Шуқри, у вақтлар ортда қолди. Бугун дам олиш хонасида алоҳида, меҳмонхонада алоҳида, набиралар учун алоҳида телевизор. Телевизор томоша қилиш учун кўшникини қиқиш ҳам қулғили туюлади. Чунки бизда қандай шароит бўлса, уларда ҳам шундай. Бу халқимизнинг даромади кўпаяётгани, фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз йўлларидаги ҳаракат оқимиға назар солар экансиз, машиналар йил, ой эмас, кун сайин кўпайиб бораётганини кўрасиз. Шаҳар-қу қўя турайлик, қишлоқларимиз кўчалари ҳам улар учун торайиб қолгандек. Қишлоқда қад ростлаган замонавий уй-жойлар олдида қаторлашиб турган машиналар, фермер шийпонига тақаб қўйилган «Lacetti»ю «Damas»ларга бугун кўзимиз ўрганиб қолди.

Маърузада таъкидланганидек, агар 2000 йилда ҳар 100 та оилаға ўртача 20 та энгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 га етди. Бугун ўз автомобилларимиз деярли ҳар бир хонадонга кирди. Ишга, сайру саёхатга ҳар ким алоҳида машинада бориши ҳаётимиздаги оддий меъёрга айланмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг беш йил ўтиб, ўз автомобилларимизни ишлаб чиқаришга эришганимиз қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлганини бугун янада теранроқ англаймиз. Бундай улкан корхонани қуриш, бутун дунёға машҳур компаниялар билан ҳамкорлик қилиш, илғор стандартларга жавоб берадиган технологияларни ўрнатиш, ўзбек йигитларининг шундай мураккаб технологияларни ўзлаштириши... Буларнинг бари айтишга осон...

Сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат то-

варлари бўйича истеъмол ҳажми мутасил ўсиб бормоқда, аини вақтда ноозиқ-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-ҳаражатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда. Мисол учун, мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли — 1,4 марта, сут — 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари — 2,6 марта, картошка — 2 баробар, мевалар истеъмоли — 6,4 карра ошди.

Бу маълумотларга шунчаки рақамлар сифатида қараб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири истиқлол туфайли эришилган фаровонлик, халқимизнинг

ҳуқуқий давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилди. Қишлоқ ҳўжалиги тубдан ислоҳ қилинди. Ғалла мустақиллигига эришишдек ҳаётий муҳим масала муваффақиятли ҳал этилди. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида миришкор дехқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мисли кўрилмаган натижаларга эришилди — 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Энг муҳими, халқимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашиб, улар чет мамлакатларга экспорт ҳам қилинди.

ҳам хурсанд бўлиб кетганимдан сотиб олдим уни», — дедим...

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи кичик бизнес билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этадиган муҳим соҳага айланди. Аини пайтда иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантириш, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини кафолатловчи омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозир иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилаётир.

Кичик бизнеснинг бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли эҳтиёжини таъминлаётган маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгайтириш, умуман, иқтисодиётимизни юксалтиришдаги аҳамиятига юртимизда тўғри баҳо берилди. Бундай субъектлар ўртасида шаклланаётган соғлом рақобат муҳити маҳсулот ва хизматларнинг сифати яхшиланиши, нархи арзонлашишига кенг йўл очаётир.

Ҳа, Ўзбекистонимиз давлат ва жамиятни бошқариш, халқ фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида кўпчилик учун ўрнатилган мамлакатга айланмоқда. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш, банк тизимини кўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг юксак самаралари, мамлакатимиз қудратининг юксалаётгани бундай таъкид учун тўлиқ асос бўлади.

Ўзингиз ўйланг, истиқлол йилларида ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган чоратadbирлар тизимида биргина қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартариш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқ аҳолининг ҳаётини янада яхшилаш борасида амалга оширилган тарихий ишларни илгари тасаввур эта олармидик?!

Халқимизга муносиб турмуш шaroити яратиш мақсадида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, дунёқарабини тубдан ўзгартираётир. Одамлар бунёдкорлик ишларидан четда турмасдан, ўзи яшаётган ва ишлаётган ҳудудини янада кўркам қилишга ҳаракат қилмоқда. Ободлик қалбларга кўчаётир!

Буларнинг барчаси мустақиллик халқимиз қўлга киритган буюк тарихий ютуқ, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун қадри, шарафи, бардавомлиги кўз қорачиғидай асраб-авайланадиган бебаҳо неъмат эканлигининг ёрқин ифодасидир. У туфайли эртанги кунимиз — эркин ва фаровон келажатимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Истиқлолимиз — бахтимиз абадий бўлсин!

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шахрҳовчиси



ўзаро аҳиллиги ва эзгу мақсадлар томон собит интилишлари самарасидир. Зотан, бундан йигирма беш йил олдин мамлакатимизда нон, ёғ, картошка, туз, ҳатто совун тақчиллиги яққол сезилиб қолган эди.

— Ўша пайтлар буханкага сохтаб навбатда турардик, — дейди Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида яшовчи Фарҳод Жабборов. — Алам қиладигани, маҳсулот истеъмолга ярқилими-яроқсизлиги олишга мажбур эдик. Бугун эса изаган пайтда дўконга чиқамизу мазали нонни танлаб харид қиламиз.

Ислом Каримов «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий манзарасига баҳо бераркан, «Шу нарса шак-шубҳасиз ва очик-ойдиндирки, республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди... Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда... Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, қўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти», дея таъкидлайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан бу ҳолат эътиборга олинди, мустақилликнинг илк кунларидан дунё таърибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти кенг намоён бўлаётгани, истиқлол берган бекиёс имкониятлар туфайли эркин ва фаровон келажатимизни ўз қўлимиз билан бунёд этаётганимиз эришилаётган бундай ютуқларнинг асосий омилли бўлмоқда. Халқимизнинг эртанги кунга, танлаган йўлимининг тўғри эканлига қатъий ишончи ва бу йўлдаги собитқадамлиги юксак марраларни забт этиш имконини бераётир.

Ўзбекистон маҳсулотлари — дунё бозорида

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунёға, дунё эса Ўзбекистонга юз очди. Жаҳон жамоатчилигиға аждодлари башариш цивилизацияси, илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ эканлигини исбот қилдик. Корхоналаримизда «Made in Uzbekistan» тамғаси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунё бозорини забт этмоқда.

Бир танишим яқинда Европанинг ривожланган давлатларидан бирида хизмат сафарига бўлибди.

— Сафардан қайтгач, оила аъзоларимизга чет элдан олиб келган совғалардан улашдим, — дейди у. — Бир пайт укам қулди-да, мен совға қилган қўйлақдаги ёрлиқни кўрсатди. Қарасам, «Made in Uzbekistan» деган ёзув турибди. Уни атайин укам учун сотиб олганимни эсладим. Қўйлақ харид қилинган супермаркетнинг чеки турарди. «Ўзимизнинг хусусий фирмаларнинг бирида тикилган маҳсулот тараққий этган мамлакатда ҳам харидордир экан. Ҳам гурурланиб,



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган санъат касб-хунар коллежида «Оқ йўл сенга, битирувчи!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Шу кунги коллежни битирган 180 нафар ёш мутахассисга уч томонлама тузилган шартномаға мувофиқ маданият, санъат, таълим муассасаларига ишға йўлланма берилди.

● Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Темур-Салим» корхонасида атлас, адрас каби миллий матолардан болалар ва катталар учун кийимлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада 12 янги иш ўрни яратилди.

● Навоий шахрида «Навоий омад сервис» хусусий корхонаси иш бошлади. Ўн турдаги трикотажа маҳсулотлари ишлаб чиқаришға ихтисослашган корхонада 6 нафар касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлиги таъминланди.

● Термиз шахрида ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Андижон шахар ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Жорий йилнинг ўтган даврида Андижон шахрида 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Меҳнат ярмаркасида шахардаги 44 корхона, ташкилот ва муассасалар бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

● Навоий шахрида фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг Фудзисава шахрида биоёқилғига мослаштирилган илк автобуслар ҳаракатлана бошлади. Ушбу транспорт воситалари учун ёқилғи Япониянинг юк машина ва автобус ишлаб чиқарувчи «Isuzu» ва «Euglena» компаниялари билан ҳамкорликда яратилди.

● Германияда июнь ойи якунларига кўра, ишсизлик даражаси 6,5 фоиз камайди. Бундай ижобий ҳолатнинг қайд этилишиға мамлакатда йил бошида об-ҳавонинг нисбатан яхши келганидир. Айтиш жоизки, қиш ва баҳор фаслларида янги иш ўринларини яратишда жиддий муаммоларға дуч келинмади. Шунга қарамай, мутахассислар бу рақамни Европа Иттифоқи мамлакатларида яратилган иш ўринлари билан қиёслашса, икки барабар оз эканлиги маълум бўлди.

● Халқаро кўргазмалардан бирида янгиликлар диктори сифатида чиқиш қиладиган дунёдаги биринчи робот-андرويد тақдим этилди. Бу ҳақда «The Japan Times» нашри хабар қилди. «Otonaroid» ва «Kodomoroid» деб номланган мазкур қурилмалар кўплаб вазифаларни бажариш қобилиятиға эга. Биринчи андроид умумий мавзуларда бемалол суҳбатлаша олади. Иккинчи андроид эса янгиликлар дастурининг дунёдаги биринчи робот-сухандони ҳисобланади ва телеканалларда бемалол ишлаши мумкин.

Амстердамдаги «De Industriële Groote Club» саноат клубида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди.

АМСТЕРДАМ САНОАТ КЛУБИДА ТАҚДИМОТ

Клуб фаолиятдан кўзланган асосий мақсад бизнесни юритишга кўмаклашиш, клуб аъзоларини янги сармоявий имкониятлардан хабардор этиш, бизнес муҳитини шакллантириш, Нидерландия иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ташқи сармоявий лойиҳаларни кўриб чиқиш йўли билан Нидерландия ва хорижий мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан изоҳланади.

Клуб аъзоларининг аксарияти Нидерландия ва хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатадиган ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқлари вакиллари ҳисобланадиган танлики сиёсатчи ва тадбиркорлардир. «De Industriële Groote Club»нинг минг нафардан зиёд аъзоси бор.

Бўлиб ўтган тадбир давомида клубга аъзо бўлган Нидерландия компаниялари вакиллари Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда мавжуд қўлай сармоявий муҳитга оид маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, тақдирот қатнашчиларининг эътиборига мамлакатимизда барпо этилган махсус индустриал хўудларнинг имкониятлари, Нидерландия компаниялари иштирок этиши мумкин бўлган истиқболли сармоявий тақдиротлар рўйхатидан жой олган лойиҳалар хусусидаги маълумотлар ҳам тақдим этилди.

Кеча иштирокчиларини қутлар экан, «De Industriële Groote Club»нинг Марказий Осиё ҳамда Кавказ мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Натали Дидиер ушбу тақдирот қатнашчилари сон жиҳатдан кўпчиликти ташкил этаётгани Нидерландия ишбилармон доиралари вакилларида Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга нисбатан қизиқшининг катта эканлигидан далolat беришини таъкидлади.

— Шуниси қувонарлики, мамлакатда қўлай сармоявий иқлим, хорижий капитал қўйилмалари учун ҳуқуқий қафолат ва имтиёزلарнинг кенг тизими яратилган, - деди у. — Хорижий сармоя асосидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг яхлит тизими ишлаб чиқилган.

Н. Дидиер тақдирот маросимининг Ўзбекистон ва Нидерландия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги аҳамиятига юқори

баҳо берад экан, клуб аъзоларини мамлакатимиз ҳудудидagi иштироки қўламлари кенгайтиришга қақирди.

Тақдирот чоғида Нидерландия корхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор соҳаларидан келиб чиққан ҳолда, экспортга йўналтирилган ва юқори қўшимча қийматга эга бўлган бир-галликдаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан манфаатдорлик билдирилди.

2014 йил 5 - 6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган «Mantel Holland» компаниясининг бош директори Джон Джонг мамлакатимиздан орттирган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, мазкур тадбир унинг компанияси учун жуда фойдали бўлганини қайд этди.

— Ўзбекистон бўйлаб сафарим чоғида мамлакатнинг нафақат кишлоқ ҳўжалигида, балки иқтисодиётининг турли соҳала-

рида ҳам катта имкониятлар мавжуд эканлигига амин бўлдим, — деди у. — Ўзбеклар заминида кишлоқ ҳўжалиги соҳасида тўғридан-тўғри хориж сармояси иштирокида 400 дан зиёд корхона барпо этилган мени хайратга солди. Ишончим комилки, ҳадемай Ўзбекистон Фарбий Европа мамлакатларига мева-сабзавотларнинг етакчи экспортёрига айланади. Чўнки жаҳоннинг бугунги ривожланиши шундай фикрни билдиришга имкон беради. Биз ҳам бу борада кўмаклашишга ва ана шу жараённинг иштирокчисига айланишга тайёриймиз.

«De Industriële Groote Club» вакилларида Ўзбекистон саноатининг кимё, қурилиш ва тўқимачилик соҳаларида, шунингдек, кишлоқ ҳўжалиги махсусотларини қайта ишлаш жаҳасидаги истиқболли лойиҳалар алоҳида қизиқиш уйғотди.

Тақдирот доирасида Ўзбекистоннинг 2013 йилдаги иқтисодий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва 2014 йилдаги устувор йўналишлари, ҳўкумат томонидан иқтисодиёт қирраларини диверсификациялаш юзасидан қўйилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, хориж капитални жалб этилишини рағбатлантиришга ҳамда хорижий сармоядорлар ҳўқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига йўналтирилган қўнунчиликдаги ўзгаришларга ҳам жиддий ўргу берилди.

Тадбир интихосида Ўзбекистоннинг сўнгги йиллар давомидаги иқтисодий тараққиёти ҳақида ҳикоя қиладиган ҳўжатли фильм намойиш этилди.

«Жаҳон» АА

Бандлик дастури — амалда

КАСБ-ҲУНАРЛИ ЁШЛАР

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида касб-ҳўнар коллежларида таълим сифатини ошириш, коллежларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида изчил чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Бу меҳнат бозори учун зарур мутахассис кадрлар етказиб бериш ва ёшларни эгаллаган касби бўйича иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин топиши, меҳнатга тўғри муносабатини шакллантиришда уларнинг ўз мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлаш доимий эътиборда. Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими бошқармасидан маълум қилишларига, 2013-2014 ўқув йилида пойтахтимиздаги 79 коллежни 135 мутахассислик бўйича 35 минг 550 нафар ўқувчи битирмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ва Президентимизнинг 2013 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида касб-ҳўнар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Уларнинг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида қатор ташкилотлар ҳамкорлигида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётган.

— Коллеж битирувчиларининг амалиёт ўташини ташкил этиш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ўқувчи-ёшлар ўн мингга яқин ташкилот ва муассасага шартнома асосида бириктирилди, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Ширинбек Тўйчибоев. — Уларнинг амалиёт машғулотларини юқори савияда ўташи, ўз касбини пухта ўрганиши, бўлғуси фаолияти бўйича зарур қўнунмаларга эга бўлиши ҳамда ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳозирга қадар барча битирувчини ишга жойлаштириш юзасидан уч томонлама шартномалар имзоланди.

Жорий йилда Ҳамза темир йўл касб-ҳўнар коллежини темир йўл транспортларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, темир йўл ва вагонлар, станцияларга хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш механизми йўналишларида 449 нафар ўқувчи тамомламоқда. Шу кўнунгача барча битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузилди.

— Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар ёшларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда, — дейди коллеж директори Нодир Абдурахмонов. — Коллеждан катта ҳаётга қадам қўйётган ҳар бир ёшнинг дунёқарashi, касб маҳорати, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини ҳис этиши таълим-тарбияга, уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка боғлиқ. Ёшларимизнинг яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётгани келажакда ўз самарасини беради.

Коллежда ўқувчиларнинг амалиётини самарали ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, минтакавий темир йўл узелли станциялари ва «Ўзтемирйўловчи» очик акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик ўрнатилган. «Коллеж — корхона» тизими асосида ёшларнинг иш билан таъминланаётгани ҳам корхона, ҳам битирувчи учун фойдали бўлаётган.

— Шартнома асосида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясида иш бошлаётганидан мамнунман, — дейди Бунёд Бобомуродов. — Ишлаб чиқариш амалиётини мазкур компанияда ўтаганим боис иш жараёнини анча ўргандим. Фаолиятимни шу соҳада давом эттириш, келажакда олий ўқув юртида таҳсил олиш ниятидаман.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳўқуқий манфаатларини таъминлаш, иқтисодиётта инвестициялар жалб қилиш борасида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, муҳтарам Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратишга йўналтирилган.

Мазкур Фармоннинг «2014-2015 йилларда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар Дастури»да тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича жуда катта тадбирлар белгилаб қўйилган.

Жумладан, вазирлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига ўзларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солишуви ахборотларни жойлаштириш ва кейинчалик уларни доимий равишда янгилаб бориш вазифаси белгиланди.

Фармонга мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солидиган меъёрий-ҳўқуқий ва бошқа ҳўжатлар таллабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш таъкидланди.

Албатта, ушбу меъёрлар тадбиркорлик субъектларига керакли бўлган барча норматив-ҳўқуқий ҳўжатларини ва ахборотларни тегишли расмий веб-сайтлардан тезкорлик билан олишга, ўз фаолиятларини қўнуний асосда йўлга қўйишга, айникса, кенг жамоатчилик-

нинг ҳўқуқий билиминини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келадиган, ишлаб чиқариш сўрьатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текширишни таъкидлаш (юридик шахсларни тугатиш чоғида қўзғатилган жиноий ишлар доирасида,

Фармон ва ижро

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

шу билан бирга бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно) бўйича мораторий мўддати 2014 йил 1 апрелдан 2017 йил 1 январга қадар узайтирилди. Ушбу киритилган янгиликка биноан Тошкент шаҳри бўйича 44 та интизомли солиқ тўловчилар текширишлар режа-жадвалидан чиқарилиди.

Булардан ташқари, фармонда 2014 йил 1 июлдан бошлаб саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлари, яъни қурилиш материаллари саноати, енгил саноат ва озик-овқат саноатида фаолият юритадиган кичик корхоналар ҳодимларининг чекланган ўртача йиллик сонини 100 тадан 200 тагача ошириш белгиланган.

Ушбу киритилаётган меъёр тадбиркорлик субъектларига умумбелгиланган тартибда бир нetcha солиқларни тўлаш ўрнига соддалаштирилган тартибга ўтиб, ягона солиқ тўловини тўлаш имконини беради.

Шунингдек, мазкур фармон билан кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банклар хизматлари учун тўловлар ундириш амалиёти бекор қилинди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ, молиявий ҳисоботларни тақдим

этимаслик ва уларнинг кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш давлат солиқ хизмати органлари томонидан фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Республикаимиз Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан 2014 йил 1 июндан бошлаб, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги 16 та рухсат этиш характериға эга ҳўжатлар, жумладан, алкогольли махсусотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг Ягона рестрига киритиш имконияти тўғрисидаги ҳўлоса ва гувоҳнома бериш бекор қилинди.

2 та лицензияланадиган фаолият турлари, яъни гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш ҳамда тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш фаолияти учун берилладиган лицензиялар бирлаштирилиб, битта концерт-томоша фаолияти учун лицензия жорий этилиши ҳамда 9 та рухсат этиш характериға эга ҳўжатлар тўрттага бирлаштирилиши, фармацевтика, телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, уларни қуриш ва фойдаланиш каби 7 та лицензияланадиган фаолият турлари ва 14 та рухсат этиш характериға эга тартиботларни расмийлаштириш мўддатлари 3 кўндан 20 кўнунгача қисқартирилди, божхона омбори ва божсиз савдо дўконини таъсис қилиш, биржа фаолиятини амалга ошириш каби 11 та лицензияланадиган фаолият турларини расмийлаштиришда ундирилладиган йиғимлар микдорларни камайтирилиши, ветеринария, тиббиёт, фармацевтика каби 18 турдаги фаолиятларга лицензияларни олиш тартиботларини ва 13 турдаги фаолиятга рухсат этиш характериға эга ҳўжатларни янада қисқартириш ҳамда соддалаштириш белгилаб қўйилди.

Албатта, тадбиркорлик субъектларига яратилаётган бундай қўлай шарт-шароитлар, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бундан ривожлантиришга, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва ишлаб чиқариш сўрьатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлашга мустаҳкам замин яратди.

Юнус НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Партиялар фаолиятдан

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МУҲИМ ОМИЛ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «ЎЗМТДПнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ривожлантириш — партиянинг жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг асосий омилдир» мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Марказий Кенгаши, шаҳар Кенгаши ҳодимлари, ЎЗМТДП «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» етакчилари, партия фаоллари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Р. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси депутати О. Ўсаров ва бошқалар ахборот соҳасидаги муносабатларни тубдан янгилаш, соҳага бозор механизмларини жорий этишни жадаллаштириш, ахборот олиш эркинлигини мустаҳкамлаш, давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати самарадорлигини ошириш борасидаги ролини қўнунайтиришга қаратилган ҳўқуқий механизмларни яратишга юксак иҳтимоий аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан оммавий ахборот воситаларининг чинакам мустақил фаолиятини янада кенгроқ таъминлаш, халқимизнинг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилиш, демократик ислохотларни янада қўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларидаги ўрни ва ролини қўнунайтиришга муҳим аҳамият қаратиб келинаётгани ҳақидаги фикрларни келтириб ўтдилар.

Хусусан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаларида ҳам ОАВнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиликлар ва сиёсий модернизация жараёнларидаги аҳамияти, таъсири, масъулиятини янада ошириш алоҳида ўрин тутди. Зеро, демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти ва унинг фаол фуқаролик позицияси, миллий қўнунчиликда журналистлар учун белгиланган ахборот олишнинг ҳўқуқий меъёрлари ва ундан фойдаланиш амалиёти, ОАВ ҳодимининг касб одоби ва этикаси, жамоатчиликка тезкор, ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказишда журналистик ихтисослашув муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда партия фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ва самарали ёритган бир қатор журналистлар касб байрамлари муносабати билан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ЯНГИ ВЕБ-САЙТ ИШГА ТУШДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан партия фаолиятини ОАВда ёритилишида фаоллик кўрсатиб келадиган бир гуруҳ журналистларни тақдирлаш ҳамда партиянинг янги веб-сайти тақдироти бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Маълумки оммавий ахборот воситалари ҳар доим жамият тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқарashi, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий воситалардан бири бўлиб келган. Истиқлол йилларида Ўртбошимиз раҳнамолигида ўтган ҳар бир давр барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари учун ҳам серкирра ривожланиш даври бўлди. Журналист аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар кўни баҳраманд бўладиган одамлар уларнинг тимсолида эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Тадбирда сўз олганлар республикаимиз оммавий ахборот воситаларининг мамлакат ичкари-сида ва хорижда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро форумларда фаол иштирок этиши жаҳон ахборот майдонида уларнинг муносиб ҳамда фаол ўрни борлигидан далolat бериши, шунингдек бугунги мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган йирик дастурлар ижроси шубҳасиз оммавий ахборот воситалари олдиға ҳам масъулиятли вазифаларни қўйиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир давомида партиянинг янги «uzlidesp.uz» веб-сайти тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Янги сайт ўзининг бир қатор техник ва ижодий афзалликлари билан аввалгисидан бутунлай фарқ қиладди. Содда ва тушунарли тилда берилган корпоратив меню, блоглар, бойитилган фото ва видео галерея фойдаланувчиларга қўлай тарзда жойлаштирилган. Шунингдек, янги сайтда «Нўқтани назар», «Савол ва жавоб», «O'zLiDeP лойиҳаларида фаол иштирок этинг!» каби фойдаланувчилар учун интерактив блоглар доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб борилади.

Тадбирда партия фаолиятини ёритишда фаоллик кўрсатиб келадиган бир гуруҳ журналистларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТАВСИАЛАР БЕРИЛДИ

Аҳоли саломатлигини асраш, тиббий маданиятни янада юксалтириш жамиятимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланган.

Учтена туманидаги 23-оилавий поликлиникада, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш, аҳолиға тез ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда.

Ушбу шифо масканида ўтказилган «Оналар ва болалар саломатлиги йўлида» деб номланган давра суҳбатда ҳам бўлажак ва ёш оналар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Поликлиникамиз жами тўққизта маҳалла аҳолисига яъни, 32847 нафар кишига самарали тиббий хизмат кўрсатади, — дейди 23-оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Дўстмухамедова. — Аҳоли соғлиғини яхшилаш хасталикка чалинганларни даволаш, касалликларга қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида аник режаға таянган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Она ва бола саломатлиги муҳофазаси борасида олиб бораётган ишларимиз негизига уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёти мўжассам. Маҳаллалар ҳамкорлигида мутахассис шифокорларимиз иштирокида ташкил қилинаётган давра суҳбатларида ёш қизларимизни оилаға тайёрлаш, бўлажак оналарнинг тиббий маданиятини ошириш, шунингдек, ёш оналарға болаларини соғлиғига янада масъуллиқ билан қараш ҳислатларини сингдириш каби мақсадлар кенг қамраб олинади. Тиббиёт муассасамизда фаолият олиб бораётган

20 нафар оила шифокорларидан 17 таси олий тоифали шифокорлардир. Асосий мақсадимиз инсонлар саломатлигини муҳофазалаш, уларни турли касалликлардан ҳимоялаш баробарида тез ва сифатли даволашға эришишдир. Зеро, жамиятимизда инсон соғлиғи энг олий бахт саналади.

Ҳа, кишилар соғлиғини асраш, яхшилаш уларға малакали хизмат кўрсатиш оқ ҳалат қийан ҳар бир шифокорнинг муқаддас ва шарафли бурчидир. 23-оилавий поликлиникада бу борада самарали ишлар амалға оширилмоқда. Жорий йилнинг беш ойи давомида туғиш ёшдаги 9441 нафар аёлнинг 4980 нафари қўқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди. Уларнинг 1195 нафарида турли касалликлар аниқланиб, соғломлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Ўн саккиз ёшгача бўлган болаларнинг 3763 таси тўлик текширишлардан ўтказилди ва бу жараён давом этмоқда.

Айни дамда юқумли ичак касалликларининг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда турли тадбирлар ва тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Давра суҳбатида шифокорлар томонидан ёш оналарға юқумли касалликларнинг олдини олиш ва ундан ҳимоялаш тўғрисида тушунчалар берилди.

Гулнигор САТТОРОВА

Тадбирлар

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудда жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий урф-одат, анъаналаримизни асраш ва юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш, химоя қилиш, уларнинг бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказишлари, ўз истеъдодларини намойиш этиш, спорт билан шуғулланиш, билим олиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда «Камолот» ЁИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши томонидан самарали ишлар олиб борилаётганда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Болалар қувончи – юртим қувончи!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ана шу мақсадда ўтказилди.

Тадбир ёзги таътил пайтида болаларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, уларни ўз хоҳишига кўра турли ҳунарларга йўналтиришга қўмаклашиш ва маданий дам олишлари мақсадида ташкил этилди.

Унда шаҳарча ҳудудда жойлашган «Зиё», «Университет», «Бе-

руний майдони» маҳаллаларида истиқомат қилувчи 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган маҳалла ёшлари ҳамда 326-мактабда ташкил қилинган болалар ёзги оромгоҳида дам олаётган болажонлар қатнашди.

Тадбир давомида Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежининг ўқувчи-ёшлари бир қанча қизиқарли ўйинлар ва саҳна кўринишлари намойиш этиб, болажонлар қувончига қувонч қўшишди. Шунингдек, «Билимдон болажон» ва «Ақлингги чарх» каби қизиқарли ўйинлар ўтказилиб, ғолиб бўлган болажонлар эсдалик совғалари билан тақдир-

ланди. ГЛИЭР номидаги РИМАЛ ўқувчилари ижросидаги бадий-мусликий чиқишлар йиғилганлар кўнгилни хушнуд этди.

Тадбир сўнггида фаол иштирок этган ва турли қизиқарли ўйинларда ғолиб бўлган болажонлар «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бу каби тадбирлар ёзги таътилни мароқли ва файзли ўтишига, ўқувчи-ёшлар маънавиятининг юксалишига замин яратиши, шубҳасиз.

Ситора ЭЛИБОЕВА



Муҳаммад Амин (ЎА), олин сурат

«101»

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Болалар бизнинг келажигимиз. Уларни асраб-авайлаб Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишларига ҳаммамиз масъулмиз.

Нима учун ҳаётга талпинаётган мурғак бир гўдак бизнинг лоқайдлигимиз оқибатида оташ қурбони бўлиши керак? Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини хохламайди, албатта. Ҳаётда содир бўладиган дахшати фалокатлардан бири, шубҳасиз ёнғиндир. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулкдан ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир. Ер юзида ҳар кунги юз бераётган ёнғинлар эса неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб келмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётганда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни қўлайлаштириш, унинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборатдир.

Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқлигини эслатиш жоиз:

- очик алангадан фойдаланиётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;
- электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш;
- носоз, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик;
- белгиланган жойларда чекиш.

Юқоридаги қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойи, қолаверса, ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, кўнлар совити ҳар бир инсонни хонадонларни иситишга ундайди. Қўлаб фуқароларимиз шу ниятда қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларида, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар.

Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Балки бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим.

Жонибек ҚОСИМОВ,
10-ХЕҲК инспектори, кичик сержант

Ёз фасли бошланиши билан таътилга чиққан жажжи болажонларнинг орзиқиб кутган кўнгилли ҳордиқ онлари одатдагидек республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги энг баҳаво, соя-салқин бўлган соғломлаштириш оромгоҳларида кечади.

Ёз — ўтмоқда соз

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Таътилни сермазмун, қувноқ ва завқли ўтиши учун барча дам олдириш оромгоҳларида етарли қўлайликлар яратилган. Шунингдек, болаларнинг сўлим оромгоҳларида спорт билан шуғулланиши, турли йўналишлардаги тўғрақларга қатнашиши ва мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Бинобарин, болаларнинг хавфсиз, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун масъул бўлган мутахассис идоралар билан ҳамкорликда айни пайтда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг қуйи тизими ходимлари томонидан қатор муҳофаза тадбирлари иш-лаб чиқилган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотлар, концерн ва компаниялар, ҳўжалик органларига ёз мавсумида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириши ушшоқлик билан намунали ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши матбуот хизматида олинган маълумотларга қараганда, Соғлом бола йилида болаларни соғломлаштириш мавсумида республикамизнинг турли ҳудудларида жами 1085 та оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилиб, шундан 214 таси стационар турдаги, 739 таси кундузги, яъни мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қошидаги оромгоҳлар бўлса, 132 таси «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳларидан иборатдир. Мавсум давомида 281 минг 892 нафардан ортқ ўғил-қиз дам олиб, соғломлаштирилади. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 10 минг нафарга ортқидир. Шундан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 4,5 минг нафар ўғил-қиз давлатимиз томонидан кўрсатилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ифодаси ўларок, Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва пойтахт вилоятларидаги корхона ҳамда ташкилотларга қарашли энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда имтиёзли асосда дам олишади.

Энг муҳими, жорий йилдаги соғломлаштириш мавсумида асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, маданий-маърифий, спорт мусобақаларини ўтказиш, тарбиявий ишларни йўлга

қўйиш масалаларига қаратилади. Бундан ташқари, ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компютер хоналари, кутубхона, турли тўғрақлар ташкил этилиб, кўнгилочар тадбирлар ўтказилади. Чунончи, оромгоҳларро кўрик-танловлар, спартакиадалар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув ва суҳбатлар, турли саёҳатлар уюштириш, «Ёш кутқарувчилар» мусобақаси ва «Фуқаро муҳофазаси кўнлари»ни ўтказиш кун тартибидан жой олган. Оромгоҳларда ўтказиладиган барча кўнгилочар тадбирлар Соғлом бола йили ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди гўшаларига кўнгилли ҳордиқ чиқаришга келган болажонларимизнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган оромгоҳ раҳбарларининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, шўшилчинг тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳофаза сабоқларидан хабардор бўлиши талаб этилади. Шу боис, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси офицерлари, хизматчилари ва мутахассислари томонидан 7 соатлик дастур асосида 33 нафар оромгоҳларнинг раҳбарлари ва тарбиячилари ўқитилди.

Назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлган ўқув машғулотлари бошқарма бошлигининг ўринбосари — Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи подполковник Ҳусан Бобонов ва хизматчилар Гулноза Орифжоновна, Ергали Исманалиевлар иш-тироқда олиб борилади.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида биз тингловчилар 7 соатлик дастур асосида муайян кўникмалар ҳосил қилдик, — дейди «Радуга» болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори Александр Ни. — Энг муҳими, биз ҳар доим хушёр ва огоҳ бўлишимиз лозимлигини, фавқулодда вазиятлар чоғида қандай ҳаракат қилиш зарурлигини, аҳолини эвакуация қилиш қоидалари ҳамда жабрланганларга шўшилчинг тиббий хизмат қўлатишининг айрим усуллари хусусида етарли маълумотларга эга бўлдик.

Машғулот якунида барча оромгоҳ раҳбарлари ва тарбиячиларига ўқув машғулотларида қатнашганлиги тўғрисида гувоҳномалар топширилди ва «Фуқаро муҳофазаси»га оид қўлланмалар ва плакатлар тарқатилди.

Азамат СУЮНОВ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Ёзлонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Республика рассомчилик коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 6-уй
2	Тошкент тиббиёт коллежи	Олмазор тумани, Қорақамиш 2/5 мавзеси, 17-а уй
3	Миробод енгил саноат касб-ҳунар коллежи	Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 24-а уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза.
2. Сўровнома (справка-объективка).
3. Таржимаи ҳол.
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси.
5. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
6. Паспорт (нусхаси).
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2012 йил 28 ноябрда реестр №004850-01 рақами билан рўйхатдан ўтган «GOOD IDEA TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 302143255) тугатилади. Давволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефон рақами +998935120810 орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалориддин Сатторович Сафоевга падари бузруквориди

САТТОР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



Тошкент шаҳрида 4 шўль кун ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёнғинлар шўҳар ҳаво муҳитида зачиллик бўлмайди. Шарқдан тарқалиб кетишига имликда шўмол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кун-

дузи — 33-35 даража иссиқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 4 шўлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шўҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имликда шўмол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кун-

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИМанзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс (371) 233-29-55Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г-756Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 5632007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинганҲажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6568 нусхада босилди.
Қўроз бичими А-2Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уйБош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 • Босишга топширилди: 14.40